Ушбу сонда:
2 Муаммо кўндаланг қўйилади «ҲАҚИМИЗНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?»
3 ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ҚУТЛАБ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 июн, шанба №93 (1107)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АМУДАРЁДА ЯНГИ КЎПРИК

Тўрткўл туманида янги кўприк қурилмоқда. Амударё узра қарийб бир километр масофага чўзиладиган ушбу ноёб иншоотни 14-Тахиатош кўприксозлари барпо этяпти.

Шунингдек, бу ерда Тўрткўл туман йўл қурилиш бошқармаси, «Бинокор» фирмаси махсус бригадалари ҳам меҳнат қилмоқда.

Кўприк битгач, Хоразм вилоятидан мамлакатимиз пойтахти ва бошқа шаҳарларга йўл олган поездлар Туркманистон ҳудудига кирмасдан, дарёнинг чап қирғоғидаги «Нукус-Мискин-Учқудуқ» темир йўлига чиқади.

Кўприк мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

15 июн, Шанхай. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Бугун эрталаб «Шангрила» меҳмонхонасида Шанхай саммитига ташриф буюрган делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда давлат раҳбарлари нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур учрашув дунё сиёсий тарихига кирадиган воқеа бўлганини, беш йил аввал ҳарбий соҳада ҳамда чегара туманларида қуролли кучларни қисқартириш борасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган тузилма бугун иқтисодий-ижтимоий, сиёсий масалаларда хавфсизликни таъминлашда кенг ҳамкорликка йўл очадиган ташкилотга айланганини таъкидлади.

- Биз Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, шунингдек, биринчи навбатда, халқаро терроризм, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз, - деди Ислом Каримов.

Диққатга молик томони шундаки, Шанхайда нуқтаи назари, қарашлари ва сиёсати Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга бевосита боғлиқ давлатлар раҳбарлари йиғилди. Булар орасида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой борлиги эътиборга молик. Ислом Каримов шуларни таъкидлар экан, Ўзбекистон онгли равишда Шанхай тузилмасига қўшилганини, бу қўшилиш баробарида сифат ва фаолият кўлами жиҳатдан бутунлай янги ташкилот таъсисчиси бўлганини қайд этди. Бу ташкилот фаолиятига оид фикрларни билдириб, ечимини кутаётган бир неча долзарб муаммони санаб ўтди. Албатта, биринчи навбатда, Афғонистон можароси қайд этилди. Бу ердаги хунрезлик тугамас экан, таҳдид сақланиб қолаверади. Натижада ўз-ўзидан янгидан-янги муаммолар келиб чиқаверади. Террор, экстремизм, айирмачилик ва наркобизнес бир-биридан айри муаммолар эмаслиги яхши маълум. Наркотик моддалар савдосидан келган миллиардлаб доллар-лар эвазига қўпорувчилар ёлланмоқда ва турли вахшийликларга йўналтирилмоқда. Бу тизим ғоят яхши мувофиқлаштирилади. Демак унга қарши баҳамжиҳат курашилмаса, натижа кутилгандек бўлмайди.

Ислом Каримов қўпорувчи ёллайдиган марказлар асосий эътиборни иқтисодий қийинчиликлар, демографик муаммолар ва бошқа сабабларга қаратишини таъкидлаб, бунинг олдини олиш учун халқларимиз ҳаётини фаровонлаштириш йўлида ҳамкорлик қилиш лозимлигини айтди. Президент самарали ҳамкорлик имкониятлари мавжуд бўлган қатор соҳаларни қайд этиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда оммавий қирғин қуролларининг ноқонуний тарқалиши ҳам тобора долзарб муаммога айланаётганини таъкидлаб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш жараёнини тезроқ якунига етказишда БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари бўлмиш Россия ва Хитой ёрдамига умид билдирди.

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти қуруқ баёнотлардан иборат бўлиб қолмаслиги, қарорлар пухта ўйланиб, келишилиб, аниқ фойда келтиришига амин бўлган ҳолда қабул қилиниши лозимлигини ҳам айтиб ўтди.

Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазалари бошқа қатнашчилар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Музокараларда қабул қилинажак ҳужжатлар, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида декларация қабул қилинди ва терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги Шанхай конвенцияси имзоланди. Декларацияга биноан янги ташкилотнинг мақсади аъзо мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи, дўстлик ва қўшничилигини мустаҳкамлаш, улар орасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорлигини рағбатлантиришдан иборат. Ҳужжатда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва таъминлашдаги биргаликда ҳаракатларнинг муҳимлиги таъкидланади.

Саммит иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги учрашувини 2002 йилда Санкт-Петербург шаҳрида ўтказишга келишиб олди.

Шанхай саммити доирасида, шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида чегаралар туташуви тўғрисида уч томонлама битим имзоланди.

Шундан сўнг ХХР Раиси саммит қатнашчилари шарафига зиёфат берди. Шу билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ниҳоясига етди.

Тошкентга қайтиш олдидан Хитой томони таклифига биноан Президент Ислом Каримов ХХР раҳбари Цзян Цзэмин билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

МАГИСТРАТУРА, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БИРИНЧИ БИТИРУВЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, замонавий билим даргоҳларининг илк қалдирғочлари бўлган сиз - илм ва ҳунар соҳибларини ўқишни муваффақиятли тамомлаганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида олижаноб инсоний фазилатларни намоён этишга қодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади.

Биз ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган дастлабки кунларданоқ бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти - ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англадик.

Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айни пайтда тарихий қадам бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик. Бу дастурнинг ўзбек таълим модели сифатида бутун дунёда тан олинаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар эътибор ва ҳавас билан қараётгани узоқни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради.

Қадрли фарзандларим!

Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳамиша тотли бўлади. Бугунги ҳаяжонли дамларда сиздек бахтиёр авлоднинг чеҳрасига боқиб, ана шундай улуғ мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонасини кўриб турибмиз, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўйлайманки, мустақил тараққиётимизнинг устувор йўналишини ташкил этадиган соғлом авлод ҳаракатининг дебочаси сифатида мана шундай улкан ўзгаришлар давридаги имкониятлардан баҳраманд бўлиш бахти айнан сизларга насиб этаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Сизларнинг номингиз беқиёс янгиланишлар жараёнининг муҳим босқичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз.

Шуни ҳеч қачон унутмангки, навқирон авлоднинг хоҳиш-иродасини, жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиздек ўғил-қизларимизни олдинда янги-янги имкониятлар, қанчадан-қанча зафарлар билан бирга, не-не синовлар, юксак довонлар, мураккаб ва шарафли йўллар кутмоқда.

Сизлар ҳар қандай вазиятда ҳам юртимиз истиқлолининг, дунёда яккю ягона бўлган она Ўзбекистонимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли фарзандлари бўлиб қолишингизни истардим. Мана шундай инсоний фазилатлар, бир умр комилликка интилиб яшаш, касбга садоқат туйғуси сизларни асло тарк этмасин.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, азму шижоат, мардлик ва матонат доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Бугун - ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизнинг орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало ўзингизга, бутун эл юртимизга бахту саодат келтирсин, дейман.

Мана шу унутилмас дамларда сизларга Яратгандан энг эзгу ниятларни тилаб қоламан.

Истиқлол ва тараққиёт йўлида қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлсин.

Ислом КАРИМОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЧИМЁН ЧИРОЙИ

Ёз мавсумида болажонларимизнинг турли сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда кўнгилдагидек дам олишлари учун республикамизнинг энг сўлим масканлари ўз бағрини очмоқда.

Гўзал Чимён тоғлари бағрида жойлашган Тошкент вилояти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли «Бахт» болалар оромгоҳи ҳам айни пайтда 320 нафар ўғил-қизни қабул қилиб олишга мунтазир. Ётоқхона, маънавият-маърифат хонаси, клуб, ошхона, спорт майдончалари ва сузиш ҳавзаси бирлашманинг амалий кўмагида асосан ҳашар йўли билан тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

— Тез кунларда биринчи босқичда дам олувчи фарзандларимизни қабул қилиб оламиз, — дейди оромгоҳ директори Жонибек Тагаев. — Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун кўплаб маънавий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказишни режалаштирганмиз.

Суратларда: мавсумга шай оромгоҳ.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Болалар ёзи — катта имтиҳон

БИР ЙЎЛЛАНМА – 270 СЎМ

Нихоят, мактаб ўқувчилари — азиз фарзандларимизнинг ширин лаҳзаларга бой, ёшликнинг унутилмас дақиқалари бошланди. Болажонларимиз ёзги таътилни сўлим оромгоҳларда мароқли ўтказмоқдалар.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда мактаб ўқувчиларини ёзги таътилни кўнгилли ўтказишларини ташкил қилиш юзасидан қабул қилган махсус қўшма қарорга биноан «Оналар ва болалар» йилида 7600 нафар ўқувчини дам олдириб, соғломлаштириш режалаштирилган.

Тўрт йил бўлдики, вилоятда болаларни ёзги таътил даврида дам олдиришнинг ҳали кўп жойда учрамаган усули қўлланилмоқда. У ҳам бўлса, касаба уюшмалари тасарруфидаги мавжуд иккита санаторий-профилакторийни ёзги оромгоҳга айлантириб, мактаб ўқувчилари ихтиёрига бериб қўйилаётганидир. Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институтига қарашли бўлган «Муаллим» ҳамда Абдулла Қодирий номидаги педагогика институтининг «Педагог» санаторий-профилакторийлари ёзги мавсумга тайёргарлик ишларини ўз вақтида ўтказиб, болажонларни ўз бағрига олишди.

Жиззах шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси «Муаллим» ва «Педагог» санаторий-профилакторийда болаларнинг ёзги дам олишларини уюштиришда кенг қамровли ишларни олиб бордилар.

— Бу йил, - дейди оромгоҳ раҳбари, сиҳатгоҳнинг бош шифокори Мусахон Имомов, - олти босқичда 600 нафар ўқувчини дам олдиришни режалаштирганмиз. Диққатга сазовор ери шундаки, бизнинг оромгоҳга Жиззах шаҳридаги ўрта умумтаълим мактабларнинг даволанишга муҳтож бўлган ўқувчилари қабул қилинди. Улар бу ерда кўнгилли ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда турли муолажалар олиб, даволанмоқдалар.

Биз оромгоҳга кириб борганимизда, биринчи босқичда дам олаётган юзга яқин бола тиббий кўрикдан ўтказилаётган экан. Уларга санаторий-профилакторий ходими, олий маълумотли шифокор Шахринисо Пирматова ҳамда икки нафар тиббий ҳамшира хизмат кўрсатмоқда.

Сўлим боғда болажонларнинг дам олиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Улар ушбу боғдаги мева-чевалардан баҳраманд бўлмоқдалар. Бундай ҳолат дам олувчиларнинг ота-оналарида ҳам хушкайфият уйғотмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли ёш ижодкорлар уйи турли тўгараклар очиб, фарзандларимизнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишларида бош-қош бўлмоқдалар.

Жисмоний тарбия раҳбари эса оромгоҳда ўқувчилар билан спорт мусобақаларини уюштириш режаси устида ишлаяпти. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, ўтган йилги мавсумда Жиззах шаҳридаги мактаблар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар ўртасида ўтказилган спартакиадада мазкур сиҳатгоҳда дам олган ўқувчилар фахрли иккинчи ўринни олишган бўлса, бу йилги орзулари биринчи ўринни эгаллаш.

Бу ерда дам олувчиларга уч маҳал иссиқ овқат берилади. Кечки овқатдан сўнг уйларига қайтадилар.

Йўлланма нархи 5400 сўм бўлиб, ҳар бир болага ота-онаси шу миқдорнинг беш фоизини, яъни 270 сўм тўласа, кифоя. Қолган харажатлар касаба уюшмалари томонидан қопланмоқда. Жиззах шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ортиқча харажатларни ўз зиммасига олибди. Шу билан бирга ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари айрим қийинчиликларни ҳам юзага келтирди. Аммо излаган имкон топади, деганларидек, кўпгина жойларда ушбу қийинчиликлар тадбиркорлик билан бартараф этилмоқда. Бундай муаммолар яқинда вилоят касаба уюшмалари кенгашида вилоят ташкилотлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган йиғилишда кенг муҳокама этилди. Йиғилишда вилоят санитария-эпидемиология станцияси, «Дори-дармон» ҳиссадорлик бирлашмаси, «Матлуботсавдо» минтақавий ҳиссадорлик жамияти, дизенфикация станцияси ва бошқа корхона, ташкилотлар раҳбарлари шаҳардаги ҳамда шаҳардан ташқаридаги мавжуд 43 та ёзги оромгоҳларда 7600 нафар болажонларимизнинг кўнгилли дам олишларини ташкил қилиш учун бор имкониятларни ишга солажакларини маълум қилдилар.

Ш.ЁҚУБОВ,
Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ходими.
О.САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя





ҲОМИЙНИНГ МАКТАБГА МАДАДИ

Марғилон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ўтган ўқув йилида ҳомий ташкилотларнинг амалий ёрдами билан мактабларда-ги кам таъминланган оилалар фарзандларига 777 минг сўмлик дарсликлар олиб берди. Бундай хайрли ишга «Лаззат» корхонаси ва «Турон шойиси» ҳиссадорлик жамияти ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Байрамлар арафасида фахрийлар ва кам таъминланган ходимлар ҳолидан хабар олиш ташкил этилди. Шу мақсадлар учун шаҳар қўмитаси томонидан 320 минг сўм ажратилди.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан шаҳар халқ таълими бўлими ва тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг қўшма тадбири ишлаб чиқилди. Унга биноан тармоқ ходимлари ўртасида соғломлаштириш ва спортни оммавийлаштириш мақсадида спартакиада ўтказилди. Унда шаҳардаги барча мактабларнинг муаллимларидан иборат оилавий жамоалар иштирок этиб, волейбол, баскетбол, теннис каби турлар бўйича беллашдилар. 8-мактабнинг ўқитувчиси Муқимжон Йўлдошев ва Халқ таълими бўлими ходими Собиржон Тошпўлатовлар фахрли ўринларни эгалладилар.

Тушган аризаларга мувофиқ шаҳар қўмитаси ёлғиз оилалардан Холпошшо Исмоиловага 14 минг, касаба уюшма ходими Н.Бибарсевага ногирон фарзандининг даволаниши учун 20 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Ҳомий ташкилотлардан «Турон шойиси» ҳиссадорлик жамияти 6-мактабни таъмирлаш учун 1 миллион, «Марғилон ипгазлама» ишлаб чиқариш корхонаси 35-болалар боғчасини таъмирлаш учун 4 миллион, ёғочни қайта ишлаш корхонаси 11-мактабни таъмирлаш учун 550 минг сўм маблағ ажратди.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: 1. Марғилон шаҳридаги Амир Темур номли 8-умумтаълим мактабининг кутубхоначиси Гулнора Мўминова.

2. Марғилон шаҳридаги Ойбек номли 27-ўрта мактабда шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ғиёсиддин Бобоев, мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Салоҳиддин Исроилов ҳамда ўқитувчи Муҳаммаджон Юнусов жамоа шартномаси хусусида суҳбатлашмоқда.

3. 27-ўрта мактабнинг директор ўринбосари Муқаддасхон Йўлдошева (ўртада) фаоллар билан.

М.ҚОДИРОВ
олган сурат.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Сурхон воҳасида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев раҳбарлик қилаётган хўжалик кўпчиликка яхши таниш. Айни пайтда бу ерда 2780 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, дастурхонлари тўкин яшамоқда. Бунинг боиси хўжалик раҳбарияти ишнинг кўзини билиб фаолият юритаётгани ҳамда касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилиш учун астойдил изланаётганлигидир.

ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ЧОҒ БЎЛСА

Хўжаликда ишчи-хизматчиларга ҳар ойнинг 10-иш кунида иш ҳақи бериб бориш йўлга қўйилган. Бундан ташқари «Оналар ва болалар» йили муносабати билан 1488 нафар хотин-қизнинг иш вақти 1 соатга қисқартирилган. Шунингдек, ишчиларга кўнгилдагидек шароит яратилиши ҳам ишдаги муваффақиятнинг омили бўлмоқда. Хўжалик ҳудудида истиқомат қилувчи барча хонадонлар табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси билан таъминланган. Дала шийпонларини айтмайсизми. Касабақўм раиси Акром Ҳасановнинг саъй-ҳаракати билан ҳар бир дала шийпонида телевизор, радио, газета-журналлар мавжуд. Ғалла ўримида иштирок этаётганлар учун кунига 3 маҳал бепул иссиқ овқат тайёрлаб берилмоқда. Ҳар беш кунда энг илғор комбайнчилар ҳамда оилавий пудратчилар моддий рағбатлантириб борилмоқда. Ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётган Ғиёс Қурбонов, Бурхон Норов, Ҳабибулло Нурматов каби пудратчилар ҳар гектар майдондан 55-60 центнердан ҳосил етиштириб, йиллик режани ортиғи билан бажардилар.

Техника хавфсизлиги масаласи ҳам хўжалик раҳбарияти ҳамда касабақўм назоратида. Бу ишга хўжалик бош муҳандиси Мамаражаб Ашуров бош-қош. У механизаторлар ўртасида кўргазмали воситалар орқали тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ хўжаликда ҳали бирор марта бахтсиз ҳодиса юз бергани йўқ. Шу билан бирга, ҳар бир ҳайдовчи ҳамда таъмирчилар йилига 2 марта махсус кийим-бош билан таъминланмоқда.

Хўжаликда меҳнаткашларни турли сиҳатгоҳларда дам олдиришга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Ҳар йили 10 нафар касаба уюшма аъзосига республика, 2 нафарига эса вилоят ҳудудидаги сиҳатгоҳларга йўлланма берилмоқда. Меҳнаткашларнинг 100 нафар фарзандлари эса сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқда.

— Жамоа шартномасига асосан йиллик меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ишчига бир ойлик маош миқдорида устама ҳақ тўланаётир, — дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси етакчиси Акром Ҳасанов. — Шунингдек, уларнинг меҳнат стажларига қараб 3 кундан 15 кунгача қўшимча таътил ҳам белгиланган. Никоҳ, ҳовли тўйлари ўтказганларга эса 15 минг сўмдан пул берилиб, бунга қўшимча 20 килограммдан ўсимлик мойи, гуруч, ун маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйганмиз.

Дарвоқе, хўжаликдан қайтар эканмиз, раис Иброҳим Файзуллаев яна бир янгиликни айтиб қолди. Ширкат хўжалиги ҳудудида ғишт заводи, оҳак ҳамда кийим тикиш цехлари қурилиб ишга туширилибди. Демак, яна 50 нафар киши иш билан таъминланади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ПЕНСИОНЕРЛАР РАХМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан изчил фаолият юритаяпмиз.

Бўлимда тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан кам таъминланган пенсионер ва ногиронларнинг 161 нафарига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ишда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик қилинаётир.

Шу йилнинг 5 ойида ишлаб чиқилган тадбир асосида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар туман поликлиникаси ҳамда марказий шифохонаси билан ҳамкорликда тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулардан 2 нафарининг уй-жойи ҳомийлар ҳисобидан таъмирлаб берилди.

«Наврўз» ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан турли тоифадаги пенсионер ва ногиронлардан 734 нафарига 1 миллион 480 минг сўмлик байрам совғалари топширилди.

Яқинда уларни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан туманимизда кўчма кўрик семинар ўтказилди. Семинарда ҳомийлар маблағларини жалб қилиш масаласи ҳам кўрилиб, қатор муаммолар ўз ечимини топди.

С.АМИНОВ,
Хонқа туман ижтимоий таъминот бўлим бошлиғи.

БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг Фарғона вилоятидаги кимё корхоналари жамоаларига айни пайтда учта профилакторий, иккита болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва олтита дам олиш масканлари хизмат кўрсатаётир.

Компания таркибига кирувчи «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи, «Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмалари шаҳардаги йирик корхоналардан саналади. Ушбу жамоаларда юзлаб ишчилар меҳнат қилганлиги боис, касаба уюшмалари ижтимоий ҳимоялаш, кўнгилдагидек меҳнат қилиш ва дам олишга шарт-шароитларни яратишга доир масалаларни ижобий ҳал этишга интилади.

«Аёллар ва болалар» йилида жамоа шартномаларига аёлларнинг ишлаб чиқариш ва турмуш шароитини яхшилаш юзасидан имтиёзлар киритилди. Ёзда ишчи аёллар болалари билан профилакторийларда дам оладилар. Хусусан, «Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмасида жорий йилда уч ва ундан ортиқ болали аёлларнинг меҳнат таътилига ҳақ тўланадиган беш иш куни қўшиб берилди. Агар ота-она бирлашмада ишласа ва уларнинг жами иш стажи ўн йилдан ошган бўлса, контракт бўйича институтга кирган фарзандлари учун корхона ҳақ тўлайди. Ўрта махсус ўқув юртларига кирганларга эса контракт нархининг эллик фоизи тўланади. Ушбу корхонада ишловчи аёллар ҳомиладорлик таътилига одатдагидан бир ой аввал чиқишади.

Уч ёшгача бўлган болаларни парваришлаш таътили вақтида оналарга иш ҳақининг энг кам миқдорида пул тўланади.

«Туркистон-пресс».

ОРОМГОҲДА ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарори экологик жиҳатдан оғир ҳудудда яшаётган болаларнинг ёзги дам олишини янада яхшилашга кўмак бермоқда.

Тошкент вилоятининг хушҳаво ҳудудларида жойлашган соғломлаштириш оромгоҳлари дам олувчиларнинг дастлабки гуруҳини, 780 нафар болани ўз бағрига олди.

— Одатда сўнгги қўнғироқдан сўнг болалар мириқиб ўйнашга, табиат қўйнига ошиқадилар. Айниқса, оромгоҳларда дам олиб, янги дўстлар орттиришга нима етсин, — деди Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Биринчи гуруҳда жами бир минг беш юз ўттиз нафар ўқувчини қабул қилиш мўлжалланган бўлиб, мавсум охиригача тўрт минг беш юз нафар бола саломатлигини мустаҳкамлайди. Вилоятдаги мавжуд 16 та оромгоҳнинг 13 тасида бу йил хоразмлик ёшлар дам олади. Улар асосан Бўстонлиқ туманининг «Келажак», «Наргиз», «Гулзор», «Чимён», «Ҳумо», «Оқ елкан» сингари энг яхши оромгоҳларида бўладилар. Бундан ташқари, Хоразм вилоятининг сув таъминоти оғир бўлган туманларидан келадиган бир минг икки юз нафар аёл Оқтош ва Чимёндаги санаторий ҳамда дам олиш уйларида саломатликларини тиклайдилар. Уларга юқори малакали тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади.

М.Тўлаганованинг таъкидлашича, Ҳукумат Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, меҳмонларни кутиб олиш, уларни манзилга хатарсиз етказиш мақсадида касаба уюшмалари кенгаши, оромгоҳлар, ички ишлар идоралари вакилларидан иборат гуруҳ аэропорт, темирйўл вокзалларида навбатчилик қилмоқда. Зарур транспорт воситалари меҳмонларни оромгоҳларга элтиб турибди.

Шунингдек, Оналар ва болалар йилида Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятининг соғломлаштириш оромгоҳларида Оролбўйи болаларининг 20 минг нафари дам олади: Касаба уюшмалари уларнинг бепул даволанишлари учун одатдагидан кўра беш баробар кўп маблағ ажратди.

«НУРОНИЙ» ҲИММАТИ

Фарғона вилояти «Нуроний» жамғармаси сув танқислигидан азият чеккан Оролбўйи аҳолиси ва қорақалпоқ фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 100 минг сўм маблағ ажратди. Бундан илгарироқ Оролбўйи аҳолисига 17 миллион 165 минг сўмлик қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари етказиб берилган эди.

Айни кунда Оролбўйидан келган 1 минг 500 нафар кам таъминланган оила фарзандлари вилоятнинг сўлим ва хушманзара оромгоҳларида ҳордиқ чиқармоқда. Шунингдек, Хоразм вилоятидан келаётган 400 онани кутиб олиш, уларнинг кўнгилли дам олишини ташкил этиш учун барча шароит яратилган.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Мирзачўл туман ҳокимининг ўтган йил 20 декабрдаги «Пахтазор» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги мустақил «Ердаулет», «Шоҳсанам», «Истиқбол», «Қўйтош» фермер хўжаликлари фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги 512-сонли қарори деярли эътирозсиз қабул қилинди. Аслида ҳам бу вилоят прокуратураси ходимлари иштирокида ўтказилган текшириш хулосасига кўра шартнома шартларини 50 фоизга ҳам уддалай олмаган фермерлар фаолиятига берилган баҳо эди. Қарорга «Пахтазор» уюшмасининг 2000 йил 23 ноябрдаги ҳамда шу номдаги қишлоқ фуқаролар йиғининининг 24 ноябрдаги қарорлари ҳамда фермерларнинг ерни топшириш тўғрисидаги аризалари асос қилиб олинди.

«ҲАҚИМИЗНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?»

Мирзачўл туманилик бир гуруҳ ишловчилар ана шу саволга жавоб топишолмаяпти

Шундан кейин уюшма ўз тасарруфига қайтарилган ерларда «Маҳмуд», «Эрол бобо», «Ҳамро бобо», «Солихон», «Хоразм» фермер хўжаликларини ташкил этиб, уларга ёрдам кўрсатди. Чунки, қаровсиз қолган ерни тартибга келтириш, экин экиш, уларни парвариш қилиш талаб қилинади. Вақт ҳам, ер ҳам кутмайди, ахир. Шу орада янги фермер хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар жамланиб туман ҳокимлигига берилди. Қарор эса ҳадеганда чиқавермади.

Деҳқонлар ерни, тупроқ ҳидини жуда соғиниб қолган экан шекилли, зўр беришди. Айни пайтда олтиндай товланиб турган тўлиқ бошоқлар уларнинг тинимсиз меҳнату заҳмати самараси бўлди. Чигит ҳам бир текис униб чиқди. Бунинг учун оз эмас-кўп эмас, қарийб 5 миллион сўм маблағ сарфланди. Ҳаммаси силлиққина кетаётган эди. Лекин нима бўлдию, далада ер эгалари қайтадан пайдо бўлиб қолишди.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, 512-сонли қарор... ноқонуний бўлиб, қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши лозим, — дейилади туман прокуратураси томонидан туман ҳокими қарорига шу йилнинг 14 февралида келтирилган протестда. Бунга фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ерларни топшириш тўғрисида 2000 йил 30 декабрда берган аризалари қонуний равишда расмийлаштирилмагани, фермер хўжалиги аъзоларининг шу мазмундаги умумий йиғилиш қарори талаб қилинмасдан юмалоқ ва тўртбурчак муҳрга эга бўлмаган «Пахтазор» фермер хўжаликлари уюшмаси хўжалик юритувчи шахс ҳисобланиб, унинг 52-сонли умумий йиғилиш қарори ғайриқонуний инобатга олингани, натижада «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонуннинг 32-33-моддалари талаблари қўпол равишда бузилгани асос қилиб кўрсатилган.

«Сизнинг протестингизда кўрсатилган хатокамчиликларни инобатга олган ҳолда туман ҳокимлиги... «Ердаулет», «Шоҳсанам», «Қўйтош» фермер хўжаликлари фаолиятини тўхтатиш тўғрисида»ги 512-сонли қарори бекор қилиниб (афсуски, қачон, қай вақтда, қандай тартиб рақами билан чиқарилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ! — таъкид бизники.), — қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда ер участкалари фермер хўжаликларига қайтариб берилди», дейилади ўз навбатида туман ҳокими томонидан шу йилнинг 1 мартида туман прокуратурасига юборилган жавоб хатида.

Қизиғи шундаки, 512-сонли қарорни бекор қилиш ҳақидаги ушбу қарорни ҳокимлик умумий бўлимидан топиб беришолмади.

— Агар шундай қарор чиқарилган бўлса нега ерни балансимиздан чиқариш ҳамда уни фермерларга қайтариш учун мутасадди ташкилотлар эътибори қаратилмади, — деб куюнади «Пахтазор» уюшмаси раҳбари Ҳайдар Абдураҳмонов. — Агар протест қаноатлантирилган бўлса, нима учун собиқ фермерларга 512-сонли қарор бекор қилингани тўғрисидаги ҳужжат берилмади? Боз устига бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори ҳам бекор қилинган экан, 1 мартдан бери ўша қарор, ақалли унинг матни нега биздан сир тутилди? Ҳимоядаги ўша фермерлар шартнома шартларини барбод қилиб келгани, қанча асосан ўз майдонларини қайтариб олишган.

Собиқ «Қўйтош» фермер хўжалигига қарашли бўлган ерларда ишлаган Мутал Исматов, Шуҳрат Мирзаев, Қобил Нуров, «Ердаулет» фермер хўжалиги майдонларида меҳнат қилган Мухторжон Қорабоевлар арзини ҳам бир эшитинг-а:

Қобил Нуров: — Шартнома асосида собиқ «Қўйтош» фермер хўжалигига қарашли 43,7 гектар майдонда уюшма томонидан экилган ғаллани суғориш, ўғитлаш ишларини тўлиқ бажардик. Ҳосил пишиб етилган пайтда эса эгаси чиқиб қолди. Банкдан ҳисоб рақамимизни очиб ҳам улгурмаган эдик. 937 минг сўмликдан зиёд сарф-харажатларимизни энди ким тўлайди?

Мухторжон Қорабоев: — Ўтган йил кузида собиқ «Ердаулет» фермер хўжалигига қарашли 43 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Қиши билан ғалла суғоришу ўғитлаш, пахта майдонини хас-чўпдан тозалаш, ҳайдаб ишлов бериш билан банд бўлдик. Барака уруғи қадаш заҳматларини айтмай қўяқолай. Мана ер эгаси келгандан бери на ғаллазорга, на пахтазорга кира оламиз. Ерга, меҳнатингга ачинасан, киши...

Дарвоқе, юқоридаги фермер хўжаликлари майдонларида меҳнат қилган кишиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни энди ким тўлайди? 512-сонли қарор сабабли фермер хўжаликлари уюшмасига етган зарарни-чи?

Шусиз ҳам «Қўйтош» фермер хўжалиги «Пахтазор» уюшмасидан 1 миллион 836 минг сўм, «Ердаулет» фермер хўжалиги эса 536 минг 987 сўм қарздор. Туман статистика ва ҳисоблаш марказидан берилган маълумотга қараганда ўтган йили уларнинг пахта, ғалла шартнома режасини бажармагани ҳам айни ҳақиқат.

Хуллас, Мирзачўлда ана шунақа гаплар. 512-сонли қарор бекор қилинганги ким учун рост, ким учун ёлғон бўлиб турибди. Бу жумбоқ тезда ҳал этилиши, ер ўзининг ҳақиқий эгаларини топиши, бинобарин, адолат ўз ўрнида қарор топиши керак.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этади!

Эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз ҳамиша бароридан келсин, жондан азиз, Ватанимиз ҳур Ўзбекистон гуллаб яшнайверсин!



Замонавий, барча шароитларга эга бўлган шифо масканларимиз сизга доимо мунтазир!

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Андижоннинг Хонобод шаҳри нафақат ўзининг анвойи гуллари, сўлим табиати, балки қувноқ, зукко, меҳнатсевар ва самимий одамлари билан ҳам машҳур. Элимизнинг севимли санъаткори, кулгу устаси Сойиб Хўжаев ҳам шу шаҳарда туғилиб ўсган. Аскиячилар пири ҳисобланмиш Мамажон ака, Абдулҳай Махсум Қозоқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой Султоновлар ҳам шу элнинг фарзандлари.

КУЛГИСЕВАРЛАР ШАҲРИ

Хонобод яна кулгу шаҳри сифатида ҳам овозадор. Бу ерда ҳар йили май ойида кулги байрами ўтказилади. Шу куни Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Ўш, жалолободлик кулгисеварлар Хонободнинг улкан боғига тўпланадилар. Эрта тонгдан кечгача қувноқ қаҳ-қаҳа, карнай-сурнай садолари янграб туради.

Республикамиздаги манаман деган аскиячилар, қизиқчи-тақлидчилар, ҳажвчи ёзувчилар, цирк усталари, таниқли хонанда-ю созандалар ташриф буюрган бу йилги кулги байрами ҳар йилгидан ҳам файзли ўтди. Сойиб Хўжаев ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди.

Саҳнага дастлаб Андижон «Ёшлар» театрининг кулги усталари Сойибжон Мирзаев, Ғайрат Аҳмедов, Воҳиджон Турдиевлар чиқиб, элга бир олам қувонч бахш этдилар. Ўткирбек Рўзиев, Каримжон Холиқов, Озодбек Исмоиловларнинг теша тегмаган латифалари шинавандаларнинг гулдурос қарсакларига сазовор бўлди.

Байрам ўзига хос зукколик беллашувига, маҳорат ва истеъдод кўригига айланиб кетди. Саидкамол Мамажонов (Хонобод), Муҳаммадазиз Ҳасанов, Авазбек Алиохунов (Асака), Машҳур Раҳимжонов (Олтинкўл), Тирмашбек Тошбоев (Қирғизистон)лар ижросидаги миниатюралар томошабинларни беҳад хушнуд этди.

Ичакузди кулгилар Балиқчининг «Сўтақўзи» миниатюра театри актёрлари саҳнага чиққанда бошланди. Катта истеъдод эгаси Алишер Ҳаққулов раҳбарлик қилиб келаётган бу халқ театри республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Улар ижросида «Сўтақўзи уйланармиш» ва «Тўйдан кейинги ҳангома» номли янги дастур намойиш этилди.

«Сўтақўзи»дан кейин ҳеч ким саҳнага чиқишга журъат этолмади. Бинобарин, бош соврин ҳам уларга насиб этди. Иккинчи ўринни «Ёшлар» театри ижодкорлари олди. Шаҳар ҳокимлиги, маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитаси, вилоят маданият ишлари бошқармаси ҳамда кўпгина тадбиркорлар кулги байрами ғолибларига ўз совринларини тақдим этдилар.

М.АБДУКАРИМОВ.

ҲАЯЖОНЛИ БЕЛЛАШУВ

Чирчиқ шаҳрининг «Олмос» спорт мажмуида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасининг Оналар ва болалар йилига бағишланган спартакиадаси бўлиб ўтди.

19 та жамоа иштирокида ўтган волейбол, стол теннниси, шахмат-шашка, дартс ҳамда «Барчиной», «Она ва бола» беллашувлари барчада катта таассурот қолдирди. Мусобақалар мезбони — Чирчиқ шаҳар жамоаси биринчи, Бўстонлиқ тумани вакиллари иккинчи, Бекобод шаҳар тиббиёт ходимлари учинчи ўринни эталлади.

Голиб ва совриндор жамоалар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ГЎЗАЛЛИК ИЖОДКОРИ

Сўраган эдингиз

Яқинда бир даврада «Поп» сўзининг мазмуни хусусида гап очилиб қолди. Ҳар ким ўзича фикр билдирди. Иложи бўлса, ушбу манзил номининг келиб чиқиши тўғрисида тўлароқ маълумот берсангиз.

Б.ТЎЛАГАНОВ,
Андижон шаҳри, халқ таълими фахрийси.

ПОП

бу сўз қандай маънони англатади?

Сирдарёдан унча узоқ бўлмаган маконда жойлашган туман ўзининг жуғрофий ўрнига хос бўлмаган жиҳатлари билан Фарғона водийсидаги кўпгина жойлардан тубдан фарқланади. Масалан 10-12 чақирим наридаги Чуст шаҳри об-ҳавоси билан қиёслаганда саратоннинг энг авжига чиққан кунларида ҳам Чустдан 5-6 даражада салқинроқдир. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор: тоғлар нисбатан яқин, қолаверса, Шимолий Фарғона канали шаҳар ўртасидан кесиб ўтади. Қадимдан катта карвон йўлининг қоқ белида ўрнашганлигидан, иқлими юмшоқлигиданми, бу ерга ташриф буюрувчиларнинг кети узилмайди. Туман ва шаҳар номи кўхна ва бой тарихга эга.Зеро, олис авлодларимиз орасида шундай кишиларнинг номлари учрайдики, ўтмишдошларимизнинг салоҳиятларига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Ана шундай табаррук аждодларимиздан бири «Ҳазрати Боб» номини олган соҳибкаромат Боб Фарғонийдир.

Бу улуғ инсон ҳақида ҳазрат Алишер Навоийнинг устозлари, ўз замонасининг «маликул калом»и ҳисобланган мавлоно Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафоҳат ул-унс» (Ҳамсуҳбатларнинг ёқимли ҳидлари) китобида қуйидагиларни ёзиб қолдирган.

«Боби Фарғоний исмлари Умардур, Фарғонадан эди. Бу диёр дарвешлари улуғ шайхларни Боб дерлар. У киши кароматлар соҳиби эди. «Кашф ул-маҳжуб» (тўсилганларни очиш) китоби соҳиби айтадиларки, Ҳазрат Боб «автодил арз» (ер қозиғи)лардан, қутблардан, авлиёларнинг энг буюкларидан эди. Шайх ул-ислом Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Мансур Муҳаммадил Ансорий Ал-Хиравий айтадиларки, менинг устозларим, шайхим Аму Абду Исмоил Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳамза ас-Суфий Ҳазрат Бобни кўриб суҳбатларида бўлган эканлар. Шайх Аму айтадиларки, бир куни Бобнинг олдиларида ўтириб эрдим. Бир киши кириб келди ва «дуо қилинг, саркоб қайтсин» деди. Ҳазрати Боб ўчоқ бошида ўтирган эди, оёқларида «жовруб» (оёқ кийими) бор эди. У билан ўчоқда турган офтобани уриб йиқитдилар ва «Йиқитдим», дедилар. Айтишларича, ўшал заҳоти саркоб шаҳар дарвозаси ёнида отдан йиқилиб бўйни синиб ўлган экан. Яна шайх Аму айтадилар: бир киши келиб «Э Боб, дуо қилинг, ёмғир ёғсин» деди. Ёмғир ёға бошлади. Кейинги ҳафта ўша киши келиб «Дуо қилинг, токи ёмғир тўхтасин, ҳамма жой сувга тўлиб кетди» деди. Дуо қилдилар, ёмғир тўхтади.

«Кашф ул маҳжуб»нинг соҳиби айтадилар: ҳазрати Бобнинг Фотима исмли завжалари бор эди. Мен Ҳазрати Бобнинг зиёратларини ихтиёр этдим ва у кишининг олдиларига бордим. Дедилар: «Нега келдинг». Айтдим: Мен шайхнинг суратларини кўрсам, у ҳам менга шафқат назари билан қаради ва деди: Э ўғлим, мен сени фалон кундан бери кўраман. Кўзимдан йўқолмасингдан кўришни хоҳлаган эдим. Кунларни ҳисобласам, у кун менинг тавбага юзланган куним эркан. Сўнгра шайх деди: Э ўғлим, масофаларни босиб ўтмоқ гўдакларнинг ишидир. Қуруқ савлат-суратни ҳозир бўлишидан ҳеч яхшилик йўқ. Эй Фотима, бирор ниманг бўлса, келтир. Бу дарвеш есин.

Ожизалари Фотима бир баркашда янгигина узилган узум олиб келди. Вақт узум пишадиган палла эмас эди. Яъни бу вақтда Фарғонада хўл мева бўладиган мавсум эмасди.»

Ҳазрати Боб тахминан X асрларда яшаганлар. У киши узоқ умр кўрганлар ва ўзлари яшаган мавзеда, яъни Поп қишлоғида вафот этганлар.

Дарҳақиқат, ҳозирда ҳам Поп шаҳрининг шимолий қисмида Ҳазрати Боб мозори мавжуд ва ҳануз шу ном билан аталади. Поп шаҳрининг марказий кўчаларидан бири ҳам «Ҳазрати Боб» шоҳ кўчаси, деб юритилади.

Олдинлари Фарғона водийси Андижон, Наманган, Фарғона ёки Хўжанд деб вилоятларга бўлинмаганлиги сабабдан ҳам водийдан чиққан уломайи киром, муллайи забардастлар, номи чиққан шайхлар, олиму фузало, авлиёлар номлари охирига Фарғоний деб тахаллус қўйганлар ва шу боисдан ҳам Ҳазрати Умар Боби Фарғоний деб шуҳратланганлар.

Хуллас, юқорида тилга олиб ўтилган илмий манбалар Поп тумани ва шаҳри келиб чиқишига ойдинлик киритади. Бугунги кунда Поп шаҳри жонажон Ўзбекистонимизнинг саноатлашган, кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарларидан бирига айланмоқда. Бу сўлим ва мўъжаз шаҳар аҳолиси эса ўзларининг буюк аждодлари орзу қилган эзгу ишларни собитқадамлик билан амалга оширмоқда.

Ҳайитбой ЭРГАШЕВ,
Поп туманидаги 49-мактаб ўқитувчиси.
Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Саломатлик — ўз қўлингизда

ТАОМ ЕЙИШ БОРАСИДА ҲАКИМ КЎРСАТМАСИ

Луқмони ҳаким шундай дейди:

— Кам гапириш, кам ухлаш ва кам ейишни ўзингга одат қилки, саломатлигинг барқарор бўлади.

Ақлли кишилар ҳакимлар айтган сўздан чиқмасликлари керак. Бинобарин, ойда икки марта қайт қилиш, ҳафтада уч марта ҳаммомга бориш ва бошу танани ширин иссиқ сув билан ювиш, икки кунда уч марта таом ейиш насиҳат берилади. Бунда ҳар ўн олти соатда бир марта овқатланилади.

Баҳор фаслида қуруқсовуқ мижозли овқат ва шарбат, ёз фаслида хўл совуқ овқат ва шарбат, кузда хўл иссиқ овқат ва шарбат тановвул қилинади. Қишда эса қуруқ иссиқ овқат ва шарбатлар ичилса, саломатлигида нуқсон бўлмайди.

Яна бир ҳикмат шуки, ким бир нарсага одат қилган бўлса, бирданига ўша одатни ташламаслиги керак, иложи борича бир хил овқат ейишга одатланмаслик лозим, токи ўша ейдиган таоми тугаб қолса ожиз қолмасин.

МИЯ СИҲАТИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Хушбўй ҳидли нарсаларни димоққа тутилса фойдалидир. Бадбўй ва жирканч ҳидлардан бутунлай қочиш лозим. Ҳамиша пок ва озода бўлиб юриш, бошни, қулоқ остини, икки жағни ёғлаш, тўқ қоринга ухламаслик керак.

ЧИН ИШТАҲА — МЕЪДА МАЛҲАМИ

Меъда саломатлиги — иссиқ, совуқ, қуруқ, хўлликда мўътадил бўлган овқатларни истеъмол қилишга боғлиқ. Овқат орасида сув ичмаслик керак. Чин иштаҳа келганидагина овқат ейиш зарур. Озгина иштиёқ қолганда ейишни тўхтатиш керак.

КЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Тутун ва чангдан, ғубор ва йиғидан, майда ҳарфни ўқишдан (бу хат жуда кучли диққат билан ўқилади), кундузги уйқу, шомдаги овқат, кучли оқ ва ялтироқ нарсаларга тикилишдан, қуёшга кўп қараш-дан, шўр овқат, пиёз, саримсоқ дудланган нарсаларни ейишдан қочиш керак, чунки буларнинг бари кўзга зарар бўлиб, уни нурсизлантиради.

Аммо қора нарсаларга қараш, кўзга сурма тортиш кўз қувватини оширади. Яна сабза-ю оби равон, хушрўй кишиларга боқиш ҳам кўзга нур бахш этади.

ЧИРОЙЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Қуёш нурида кўп ўтирмаслик, юзни бодом мағзи, товуқ тухумининг оқи, гулоб билан ювиш зарур. Айниқса, тухум оқи юзни қуёшдан асрайди.

ЮРАК ШОДЛИКНИ ХУШ КЎРАДИ

Ғам ва қайғу тортишдан, узоқ фикрлашдан, мижознинг ортиқча бузилишидан сақлаш керак. Аллоҳ инъом этган нарсалардан шод бўлиб, қазо етказганда ғам тортмаслик зарур. Шунда юракка нуқсон юзланмайди.

Марғилон шаҳридаги деҳқон бозори рўпарасида «Мушарраф» фирмаси ташкил этилган. Унга тадбиркор ва ишбилармон Тўлқинжон Мамадалиев етакчилик қилади. Бу ерда чеварлик, сартарошлик, заргарлик, пойабзалларни таъмирлаш, маиший хизмат буюмларини тузатиш устахоналари ҳамда аёллар сартарошхонаси фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, аёллар сартарошхонаси хизматидан мижозлар мамнун. Ўз ишининг устаси Гулфира Соҳибгариева ҳақиқий мўъжиза яратиб, сочни турмаклаш ва парваришлаш борасида ижодий муваффақиятларга эришмоқда. Шу боис, мижозлар сони кунданкунга ортиб бормоқда.

Гулфира ўрта мактабни тугатибоқ нафосат ва гўзаллик яратиш мақсадида Фарғона шаҳридаги сартарошлик курсида ўқиди. Сўнг маиший хизмат уйида С.Тожибоевага шогирд тушди. Лаёқатли қиз орадан кўп ўтмай мустақил ишга киришди.

Гулфиранинг эътибор топишида тажрибали уста Людмила Ястрабоеванинг ҳам улуши бор. У шогирдига мижозлар билан ишлаш сир-асрорини пухта ўргатди. Бугун эса Гулфиранинг ўз шогирдлари бор. Улар ҳам устозларидан «ўтиб кетиш» учун тинмай изланмоқдалар.

Суратларда: Гулфира Соҳибгариева шогирди Гулнора Исломқулова билан.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

Ўқинг, қизиқ!

УЧ АСРДА ЯШАГАН ҲАРБИЙ

Жан Терель исмли француз XVIII асрда ҳарбий хизматга кириб, XIX асрда истеъфога чиққан. Ахир, бу ақлга сиғмайдиган ҳодиса-ку, дерсиз.

Хўш, армияда, уч аср хизмат қилган бўлса, ўзи неча йил яшаган?

Ғап шундаки, Жан Терель 1684 йилда туғилган. 1699 йили, яъни аср охирида ҳарбий хизматга кириб, юздан ортиқ жангларда қатнашган. 1777 йили қирол Людовик XIV 93 ёшлик бу ҳарбийга капитанлик унвонини берган.

1802 йили у 118 ёшга кирганида, шундай одам борлигидан хабар топган Наполеон ҳарбий фахрийнинг норозилигига қарамай уни фахрий истеъфога чиқариб, йилига 1500 франк нафақа тайинлаган.

У бундай нафақани беш йилгина ола олди. 1807 йили, яъни XIX аср бошида 123 ёшида вафот этган.

Ким суратга тушади?

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ним табассум

☺☺☺

Ҳайдовчи асабийлашиб ДАН ходимидан сўради:

— Ўртоқ сержант, нима, бу ердан чапга қайрилиш мумкин эмасми?

— Мумкин, фақат у пулли.

☺☺☺

Ёш терговчи кекса изқувардан сабоқ олмоқда:

— Айтинг-чи, сиз унинг жиноятчи эканлигини қаердан билдингиз? Ахир у аёллар кийимида эдику?

Изқувар:

— Жуда оддий. Агар эътибор қилган бўлсангиз, у биронта дўкон витринасига қиё ҳам боқмай ўтиб кетди.

☺☺☺

Ўрмон. Бир тўда қушу ҳайвонлар йиғилишиб, нималарнидир бақириб-чақириб муҳокама қилишмоқда эди. Тўдага янги қўшилган ҳўкиз ёнида турган жирафадан сўради:

— Нима бўляпти?

— Мажлис. Нотиқлар булбулни мақташяпти. Миттигина-ю, лекин овози ёқимли дейишяпти.

— Қара-чи, шохи бормикан?

— Йўқ, шохи йўқ унинг.

Ҳўкиз ҳайрон бўлиб, бошини қашибди:

— Унда нега мақташяпти?..

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6